Асака тумани пахтакорларига, барча меҳнаткашларига!

Азиз дўстлар!

Сизларни мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Асакалик заҳматкаш деҳқонлар, моҳир механизатор ва сувчилар, аграр тармоқ мутахассисларининг фидокорона меҳнати билан баракали хирмон бунёд этилгани барчамизни қувонтирди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бу соҳага илғор технологияларни жорий этиш, саховатли деҳқонларимиз меҳнатини қадрлаш борасидаги ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Сиз эришган бу ғалаба ҳам ана шу изланишлар самарасидир.

Ишончим комилки, юртимиздаги сизлар каби лафзи ҳалол, миришкор деҳқонлар, ўз касбининг чинакам фидойилари бўлган азиз инсонларнинг ақл-заковати ва меҳнати билан иқтисодий салоҳиятимиз янада юксалиб, Ватанимиз обод, турмушимиз фаровон бўлиб бораверади.

Инсон учун ўз меҳнатининг роҳатини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Барчангизга ана шундай бахту саодат ёр бўлсин. Хонадонларингиздан тинчлик-омонлик, файзу барака аримасин.

Яратганнинг ўзи ҳамиша сизларга мددкор бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Биз — Президент фарзандларимиз»

Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» ўйингоҳида ўтказилган ёшлар форуми ана шу шиор остида ўтди. Тошкент Давлат техника университети ректори Тўлқин Миркомилов, Тошкент вилояти ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Маҳмуд Тоиров юртимизда кечаётган ижтимоий жараёнлардаги ёшларнинг ўрни ва келгуси вазифалари устида тўхталди. Форумда талабалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига мактуб йўллашди.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилиши айни муддао, — деди ТошДУ талабаси Шаҳноза Жўраева. — Чунки, бундай тадбирлар фақат эзгулик учун хизмат қилади.

Юртимизда ёшларга алоҳида эътибор берилаётгани сир эмас. Бу эътиборга ёшлар муносиб жавоб бера оладиларми-йўқми буни келажак кўрсатади.

Шуҳрат ОРИФ

Италия линияси ишга тушди

«Нукуснон» ҳиссадорлик жамиятида нон маҳсулотларидан ташқари жаҳон андозасига мос келадиган макаронлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Италиядан келтирилган ҳар хил шаклдаги макаронларни ишлаб чиқарадиган цех қуриб фойдаланишга топширилди. Цехдаги ускуналарни Исроилнинг «Эйнаб Трэйд Энд Инвестмент Лтд» фирмаси мутахассислари қуриб бердилар. Айни кунда 2,5-3 тонна макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Яқин келажакда бу ерда 50 турдаги макарон ишлаб чиқарилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Марокли суҳбат

1999 йил 30 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида АҚШ Давлат департаменти Таҳлилий тадқиқотлар бошқармаси ходими Жин Мелвин хоним ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси сиёсий-иқтисодий бўлими бошлиғи Лэрри Мэммотт қабул қилиндилар. Америкалик меҳмонлар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, унда сиёсий партияларнинг, ҳусусан Ўзбекистон ХДПнинг бўлажак ялпи сайловларга тайёргарлик ишлари каби долзарб масалалар билан қизиқдилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга мустақил юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғоялари, тузилмалари ва фаолияти ҳамда унинг бўлажак сайловларда иштироки тўғрисида сўзлаб берди, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 5 октябрь, сешанба • № 116 (25.511).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент Корея Республикасига жўнаб кетди

4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг илк хорижий сафарларидан бири Жанубий Кореяга бўлган эди.Ўша ташриф чоғида ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар қай даражада ижобий самара берганини бугун республикамизда кечаётган иқтисодий ўзгаришлардан, хусусан, автомобилсозлик, енгил саноат мажмуи, электроника, коммуникация ва бошқа кўплаб соҳалардаги юксалишлардан кўриш мумкин. Жанубий Корея билан йўлга қўйилган ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги энг самарали ишлардан бири бўлганини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.Шу боис Жанубий Кореяга уюштирилаётган бу галги ташриф ҳам асосан, ушбу алоқаларимизни янада кенгайтириш, уни янги босқичга кўтаришга шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарининг журналистларга берган интервьюсида ҳам икки мамлакат ўртасида барқарор ривожланиб келаётган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларга эътибор қаратилди.

— Жанубий Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларида алоҳида ўринни эгаллайди, — деди жумладан, Ислом Каримов.— Агар шу ўтган етти йилни оладиган бўлсак, мамлакатимизда қурилган завод, фабрика, ҳатто, халқ хўжалигимизда йўлга қўйилган баъзи-бир янги тармоқлар ҳам Жанубий Корея билан ҳамкорлик натижасидир. Ўзбекистон ўзининг енгил автомобилларини чиқара бошлади.Бу заводни қисқа вақтда қуриб, ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганимиз ҳам мана шу ҳамкорлик билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналарнинг обрўси нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам баланд.

Электроника, енгил саноат, телекоммуникация соҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Келгуси режаларимиз ҳақида тўхталадиган бўлсак, — деб сўзида давом этди Ислом Каримов, — автомобилсозлик, телекоммуникация, енгил саноатдан ташқари, яна бир қанча соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Шунингдек, ҳозир бошланган лойиҳаларни охирига етказиб, яна янгиларига замин яратмоқчимиз.Мисол учун, телекоммуникация соҳасида тахминан 160 миллион АҚШ долларига тенг тўртта лойиҳа мавжуд. Асака автомобиль заводида янги русумдаги яна икки хил машина ишлаб чиқаришни бошлашни режалаштираяпмиз.Ушбу лойиҳанинг нархи 70 миллион долларга етади.Ипакчилик соҳаси бўйича ҳам 15 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа ва бошқа кўплаб соҳаларда лойиҳаларимиз бор. Ишонаманки, тез кунларда мазкур лойиҳалар ҳаётга жорий қилина бошлайди.

1997 йилда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий танглик Корея Республикасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади, албатта.Бироқ, Жанубий Корея биринчилардан бўлиб молиявий тангликдан халос бўлаётир.Ҳозирги кунда унинг иқтисодиёти яна жадал ўсмоқда.

Бўлажак музокараларда сиёсий масалалар, хусусан, Марказий Осиёда кечаётган сиёсий жараёнлар, қолаверса, халқаро муносабатларда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида фикр алмашиш ниятимиз бор.Шунингдек, маданий соҳа ҳам эътибордан четда қолмайди.Яқинда мамлакатимизда Жанубий Корея маданияти кунлари бўлиб ўтди.Бизнинг ҳам ўз маданиятимизни Жанубий Кореяда намойиш қилиш режамиз бор. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро тенг манфаатлар асосида барқарор ривожланмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

XXI аср ўзбек ёшлари



Владимир ПАНОВ олга сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 5 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	88,62
1 Австрия шиллинги	10,52
1 Англия фунт стерлинги	223,68
10 Бельгия франки	35,90
1 Голландия гульдени	65,71
10 Греция драхмаси	4,41
1 Дания кронаси	19,49
1 БАА дирхами	37,00
1 АҚШ доллари	135,90
1 Миср фунти	39,85
10 Испания песети	8,70
100 Италия лираси	7,48
1 Канада доллари	92,73
1 Хитой юани	16,42
10 Люксембург франки	35,90
1 Малайзия ринггити	35,77
1 Германия маркаси	74,04
1 Польша злотийси	33,21
1 СДР	187,54
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	24,35
1 Франция франки	22,07
1 Швейцария франки	90,64
1 ЕВРО	144,80
10 Жанубий Корея вони	1,12
10 Япония иенаси	12,86
1 Россия рубли	5,39
1 Украина гривнаси	30,49

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Сайлов ва сайловчи

Бепарволик кетмайди

Бугун ҳар бир онгли одам ҳозирги жараёнда, сайловлар даврида кимнинг номзодини қўллаб-қувватлашим керак, парламентга муносиб одам ўтишига ҳисса қўшаманми, мен кўрсатган номзод мамлакатим тараққиёти учун қандай ишни амалга оширолади, деб ўйлаши табиий. Чунки сайлов участкасига шунчаки, хўжакўрсинга эмас, ўз тақдирини, фарзандлари келажаги, юртининг гуллаб-яшнаши, қолаверса Олий Мажлис шон-шуҳрати, обрўсининг ошишини ўйлаб борган сайловчигина замон руҳиятини чуқур англаган бўлади. Қачонки фуқаролар онги ўсиб, фаоллиги ошсагина жамиятда демократик тамойиллар шаклланади. Шу билан бирга кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла маънода таъмин этилади.

Очиғи, умумжаҳон тажрибаси ва кўппартиялилик асосида сайлов ўтказишга шунчаки қараб бўлмайди. Бу ҳар биримизда юксак савия, чуқур билим, Ватанга эътиқод, истиқлолга ҳурмат-эҳтиром, интизом тушунчалари етилганлигини кўрсатади.

Бизни жаҳон кузатиб турибди. Маънавий қарашларимиз шу қисқа фурсат ичида ўсиб, шаклланаётганидан, дунёнинг илғор давлатлари билан бўйлашаётганимиздан етук фикрли башарият қувонмоқда. Халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини қарор топтиришда маърифат йўлини танладик. Бақирчақирлардан ҳоли, қуруқ ваъдалар, қалбида илм ва тафаккур қуёши порлаган, элнинг эътиборли фарзандларига Ватан қисматини ишониб топшириш зарурлигини уққан фуқаролар бугун ўз озодлигининг, тинчликнинг барқарорлиги учун ҳам овоз бермоқдалар.

Сайловда ҳам ҳар бир аёл ўз хоҳиш-иродасини ифода этар экан, жамиятдаги масъуллиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз ўрнини, кимлигини, нималарга қодирлигини намоён қилади. Демак, мен, дугонам, онам, синглим, қай биримиздан қатъий назар номзоднинг мансаби учун эмас, балки унинг сайлов дастурига овоз берамиз. Бу ерда номзод ким бўлишидан қатъий назар тушунган, тушунчаси кенг, онгли, виждонли, ватанпарвар, халқпарвар бўлиши керак Номзоднинг дастури орқали унинг кимлигини билиб олсак бўлади...

Кимки бу ишга бепарволик билан қараса янглишади. Ўз тараққиётига, яхши яшаб, яхши меҳнат қилишига, ўз Ватанида қабул қилинажак қонунларга бефарқ қарайди. Бундай бефарқ одамлар билан жамиятнинг олга силжиши қийин кечади. Бугун ҳеч биримизнинг бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ. Фақат фаоллик, фаоллик... фаоллик зарур.

Гулсара ҚИЛИЧЕВА,
Ўрта Чирчиқ тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими бошлиғи

Ислом Каримов — Сеулда

4 октябрь. Сеул. (ЎзА мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасига етиб келди. Корея Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг Сеул аэропортида мамлакатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Хонг Сун Ёнг рафиқаси билан кутиб олди.

(ЎзА)

«Ўзкейсмаш» тамғаси билан

Ҳар бир чет эл техникасини ишлатиш етти ўлчаб, бир кесган ҳолда иш юритишни тақозо қилади. Энг аввало, бу технология табиий шарт-шароитга, муҳитга мос келиши зарур. Иш унуми ва сифати аввалгисидан самаралироқ, қулайлиги ва пухта-пишиқлиги афзал бўлиши лозим. Унга хизмат кўрсатувчи шаҳобчаларни ташкил қилиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни йўлга қўйишда муаммолар туғилмаслиги керак.

АҚШнинг «Кейс» корпорацияси машина-тракторларини Ўзбекистон далаларида кенг миқёсда ишлатишдан олдин ана шу талаблар деҳқонлар, механизаторлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар томонидан ўрганилди, синовдан ўтказилди. Натижада таклиф этилаётган техникалар бизнинг эҳтиёжимизга мос келади, деган хулосага келинди.

Худди шундай хулосаларга кўра, 1996 йилда АҚШ — Ўзбекистон ҳамкорлигининг амалий ифодаси сифатида «Ўзкейсмаш» қўшма корхонаси вужудга келди. У ўзи учун Тошкент мотор заводининг цехларидан бирини танлаб олиб, 1997 йилдан «Коттон экспресс 2022» русумли янги пахта териш машиналарини йиғишга киришди.

Мазкур икки қаторли машина энг замонавий технология намунаси ҳисобланади. Ҳар бир териш ускунасига 432 дона горизонтал шпиндел ўқи ўрнатилган. Машина ҳар метр юрганда улар 118000 марта айланади ва ҳосилни ўта сифатли, қарийб ерга туширмасдан терилишини, шпинделларга қўйилган махсус мой эса, унинг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

«Коттон экспресс 2022»нинг самарадорлиги юқори. Бир кунда 20-25 тонна пахта териш имконига эга. Бункери 2 тоннагача пахтани сиғдира олади. Унинг бу жиҳатлари эскиси билан солиштирилса, 4-5 баробар устун чиқишини техник имкониятларнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Яна бир муҳим томони — механизаторлар учун яратилган қулайликда. Ойнаванд герметик кабинада ҳар доим мўътадил ҳавони сақлаш, машинани енгил бошқариш, компьютер хизмати орқали унинг бутун иш жараёнини кузатиш мумкин. Хуллас, деҳқонларимиз тили билан айтганда, машина эмас, бу — мўъжиза!

Мамлакатимиз Президенти 1997 йил октябрь ойида «Ўзкейсмаш» қўшма корхонаси фаолияти билан танишар экан, янги машинани йиғишнинг бугунги аҳволи, истиқбол режаларини синчковлик билан таҳлил қилди. Асосий эътиборни машина ишлаб чиқаришни кўпайтириш, йиғиш ишларини такомиллаштиришгагина қаратиб қолмай, деталь ва асбоб-ускуналарини ҳам юртимизда тайёрлашга қаратди.

— Яқин келажакдаёқ шундай даражага эришиш керакки, —деди Президентимиз қўшма корхона раҳбарларига, — бу машиналар ўзимизнинг бозорни ҳам тўлдирсин, Осиё бозорини ҳам эгалласин...

Мана шу учрашувга ҳам икки йил бўлиб қолди. Хўш, шундан кейин «Ўзкейсмаш»да қандай ўзгаришлар рўй берди? Деҳқончиликда ҳар бир ой, куннинг қадри баланд ва ўта муҳим. Шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, биринчи навбатда янги техникани ишлаб чиқариш жараёнининг кенгайиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Агар қўшма корхонада 1997 йили 49 та пахта териш машинаси йиғилган бўлса, бу рақам 1998 йилда 144 тага етди, бу йил 300 тани ташкил қилади. 2000 йилги режа — 500 дона!

«Ўзкейсмаш»нинг раҳбари Жон Баутоннинг фикрича, бундай ривожланиш уларни қониқтиради.

— Яна муҳим одимларимиздан бири, — деди у, — машиналаримизнинг сифати ва унумдорлигига кафолат берувчи «Ўздавлатстандарт»нинг сертификатини олдик. Эндиликда халқаро ёрлиқни олиш устида иш кетаяпти. Бу — машиналаримизни чет элга сотиш учун йўл очиб беради.

Бугун «Ўзкейсмаш»нинг ўзида ҳам ўзгаришлар катта. У кичик цехдан катта ишлаб чиқариш корхонасига айланиб бормоқда. Бу ерда дастлабки машиналар қўлда йиғилган бўлса, ҳозирги пайтда бу жараёнлар механизмлар зиммасига ўтаяпти. Шу билан бирга бўёқ цехини қуриш, бутун иш жараёнини компьютерлар ёрдамида бажаришга ўтиш ишлари йўлга қўйилмоқда.

Янги пахта териш машиналарининг қисм ва асбоб-ускуналарини Ўзбекистоннинг ўзида тайёрлаш вазифасини бажариш учун «Ўзкейсмаш» ўз таклиф, режа-лойиҳаларини мамлакатимизнинг саноат корхоналарига тақдим этди.

«Ўзкейсмаш»нинг иш мароми режа асосида бормоқда. Шу пайтгача мўлжалдаги 300 та пахта териш машинаси тайёрланди. Агар бу мураккаб ва масъулиятли вазифани атиги 35 ишчи-мутахассис амалга ошираётганини ҳисобга олсак, иш унуми нечоғлик юқори даражага кўтарилиб бораётганини сезиш мумкин. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Айни пайтда бу ўзбекистонлик йигит-қизлар қобилияти ўта юқори эканлигининг эътирофидир.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

«Обуна — 2000»



«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!
Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Ўзбекистон ХДП III Қурултойи олдидан

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999 йиллар

1992 йил

18 ноябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк, қабул қилинди. Элчи жанобларига Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий–сиёсий вазият, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон ХДП Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти у бошчилигидаги республика ҳукумати олиб бораётган сиёсат ҳақида, Ўзбекистон ХДПнинг фаолияти тўғрисида атрофлича сўзлаб берилди.

24 ноябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Жан Поль Везиан, қабул қилинди. Элчига Ўзбекистон ХДП Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳамда у бошчилигида республикада олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий мустаҳкамланиш жараёни тўғрисида ахборот берилди.

7 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда республика Олий Кенгашидаги депутатлар партия гуруҳининг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси юзасидан, сиёсий нуқтаи назари тўғрисидаги масала, шунингдек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг партия Таъсис қурултойидан кейинги бир йиллик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

10 декабрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг республика Олий Кенгаши ўн биринчи сессияси якунларини, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, партия Раиси И.А.Каримовнинг сессиядаги нутқида баён этилган қоидаларни тарғиб этиш ва тушунтиришга доир вазифалари кўриб чиқилди.

1993 йил

1 январь. Матбуотда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг партия аъзолари ва республиканинг барча фуқароларига Янги йил табриги эълон қилинди.

12-20 январь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси делегацияси, Ҳиндистон Республикаси бош вазири, Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси раиси Нарасимха Рао таклифига биноан, Ҳиндистонда бўлди.

27 январь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ташкилотининг қўппартиялилик шароитида олиб бораётган оммавий-сиёсий ишлари муҳокама қилинди. Мажлисда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани партия ташкилотининг, Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари ва Низоми қоидаларини ҳаётга тадбиқ қилиш юзасидан, иши тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси «Ўзбекистон овози»нинг тўйига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, шу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасига илова тарзида нашр қилиб келинган «Голос Узбекистана» ҳафталиги негизида, шу йилнинг февраль ойидан бошлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг рус тилидаги мустақил «Голос Узбекистана» газетасини ташкил этишга қарор қилинди.

9 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Ф. Сидорский қабул қилинди. Элчи жанобларига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар, ЎзХДП нинг республика ҳаётидаги мавқеи ҳамда унинг амалий фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

9 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлисида «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ижтимоий адолатни таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ- тартиботни мустаҳкамлаш масалаларига доир сиёсий нуқтаи назари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

10 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раҳбарияти билан «Голос Узбекистана» газетаси таҳририяти жамоасини учрашуви бўлиб ўтди.

12 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида партия раҳбарияти билан республика тадбиркорлар уюшмаси, қўшма ва кичик корхоналар, ижара асосида ишловчиларнинг вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш сиёсатига кўмаклашиш ҳақида атрофлича маслаҳатлашиб олинди.

17 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги ишлари бўйича Муваққат вакили Чжан Цинцюан билан учрашув бўлиб ўтди. Элчи жаноблари республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазият, Ўзбекистон ХДП сиёсий фаолиятининг мазмун ва моҳияти билан қизиқди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).

Сайлов — сийлов эмас, имтиҳон!

Партия ҳаёти

Тошкент вилояти партия ташкилоти Ўзбекистон ХДПнинг йирик ташкилотларидан биридир. Бугунги кунда унинг сафларида 39 мингдан зиёд аъзо бор. Партия аъзоларининг 23 фоизини аёллар ташкил этганлиги қувончли ҳол. Кейинги пайтларда партия сафлари, асосан, ёшлар ҳисобига кўпаймоқда.

Ҳозир вилоят партия ташкилоти ўз ишига масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда сайловларга тайёргарлик кўрмоқда. Мустақиллигимиз шарофати туфайли янги сиёсий куч сифатида майдонга чиққан, миллий қадриятлар, демократик тамойилларга асосланган, шунингдек, халқ манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий мақсади деб ҳисобловчи партиямиз, унинг Марказий Кенгаши ўтган ойда бўлган XX пленумида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларига бўладиган сайловларда муносиб қатнашишни партиядошларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгилади. Қонунга асосан, партиямизнинг сайловларда қатнашиши учун 50 минг сайловчи, жумладан, вилоятдан 5 минг сайловчининг партияни қўллаб-қувватлаб, имзо беришлари тақозо қилинарди. Вилоятда яшовчи аҳолининг барча қатламлари вакилларидан 7 мингдан кўпроғи ўз имзолари билан вилоят партия ташкилотини қўллаб-қувватлашгани ғоятда қувончлидир. Вилоятда халқ депутатлари шаҳар, туман ва вилоят кенгашларига номзодлар, амалдаги қонунларда белгиланган муддат ичида кўрсатилди, шунингдек, республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар муҳокамаси бўлиб ўтди.

Ҳозирги пайтда халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашлари депутатлигига вилоятдан 608 ўринга 580 номзод кўрсатилган. Бу номзодларнинг 20 фоизини аёллар, 17 фоизини 40 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади, 92 фоизи олий маълумотга эга.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгашининг II пленуми нималарни белгилади? Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги III Қурултойи чақирилиши муносабати билан партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида маъруза қилган Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов асосий эътиборни бўлажак сайловларга қаратди. Кун тартибидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодликка тавсия этиш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдаги III Қурултойи делегатларини сайлаш ва бошқа масалалар ўрин олса-да, пленум сайловолди қурашида ғалаба қозониш тамойилларини белгилаб олди. Гап кўпроқ бу ерда ўтган сайловларда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, уларни қайтармасликка ҳаракат қилиш ҳақида борди.

Ўтган сайловларда, афсуски, кўпчилик туман партия кенгашлари ўз иш фаолиятларини эскича йўсинда ташкил этган эдилар, сайловчиларнинг овозларига ўз-ўзидан эриша оламиз, деган фикрда бўлиб, совуққонликка йўл қўйишган ва оқибатда, баъзи бир партия кенгашларининг биринчи котиблари ҳам ўз туман ва шаҳарларида депутатликка ўтмай қолган ҳоллар бўлган эди. Бу каби муваффақиятсизликларнинг аниқ сабаблари таҳлил этилди.Эндиги сайловларда фақат ўз жойларида обрў-эътиборга эга бўлган, ўз сайловолди дастурларида аниқ вазифаларни белгилаб, одамларга маълум даражада ёрдам беришни назарда тутган кучли номзодларгина ғолиб чиқадилар. Шуни таъкидлаш жоизки, аҳоли ўртасида барча даражадаги партия кенгашларининг, унинг ижтимоий муаммолари ҳал этилишига қўшадиган ҳиссаларини кўпайтириш, бўлажак сайловларда янги партияларнинг қатнашиши шароитида, ниҳоятда муҳимдир. Шу сабабли номзодларни танлашда маҳаллий кенгашлар барча бошланғич партия ташкилотлари фаол қатнашдилар. Бўлажак номзодларни ўрганиб чиқиш ва уларни партия кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этиш ушбу йўналишда қилинган ишнинг маълум бир қисмидир. Вилоят партия кенгаши ижроия бюроси томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳи шаҳар, туман партия кенгашлари пленумларининг тавсияларини жиддий ўрганиб чиқиб, вилоят пленумига ўз таклифларини киритди.

— Давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўлажак сайловлар мамлакатимиз сиёсий тизими учун жиддий синовдир, — деди музокарада сўзга чиққан ХДП Ангрен шаҳар кенгашининг биринчи котиби Бахтиёр Йўлдошев. — Ўтган сайловлар биз учун муҳим бир дарс бўлган эди, ҳозирги сайлов эса имтиҳондир. Сабаби партиямизнинг бутун босиб ўтган даври мобайнида қай даражада ўз нуфузига, обрў-эътиборига, ўз хайриҳохларига эга бўлганликлари шу сайловлар натижасида билинади. Шундай экан, бугун ҳар биримиз сайлов ўткинчи тадбир, деган фикр билан эмас, балки сайлов бу — фуқароларнинг бизга ишончи деган тушунча билан иш тутишимиз зарур.

— Ўтган сайлов мавсумида туманимиздаги 30 та сайлов округидан биронта аёл номзоди қўйилмаган эди. Бу йил ХДП туман кенгаши томонидан 7 аёл номзоди қўйилди, — деди Бўка тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси туман ҳокими муовини Қ. Ҳайдарова.

Пленумда сўзга чиққан Пскент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Х. Мадиёров ва бошқалар мамлакатимизда қўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловлар ўзининг қатъий шартларини қўйишини, сайловларда партиямизнинг ҳар бир аъзоси мавжуд куч ва имкониятларни мувофиқлаштирса, қонунда белгиланган самарали воситалардан ҳамда сиёсий курашнинг усул ва шакларидан оқилона фойдаланса ва уларни ягона мақсадга йўналтира олсагина ғалабага эришиш мумкинлигини чуқур англаши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Бўлажак сайловлар қўппартиялилик асосида ўтади, табиийки, ўзига хос кескин кураш боради. Шундай экан, ҳар бир сайловчига у фақат ўз шахсий иродасидан келиб чиққан ҳолда овоз беришини тушунтириш, бу фикрни кенг жамоага етказиш зарурлигини уқдирдилар.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг пленумида шу мавзуда саркотиб Р. Ҳамроқулов, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши пленумида вилоят партия кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ғ. Машарипов, ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида ушбу масала юзасидан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Ботиров маъруза қилдилар.

Уларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Қурултойига делегатлар сайланди. Ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар тавсия этилди.

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги пленумида унинг биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди. ХДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Ҳамда Олий Мажлис депутатлигига намзодлар бўйича таклифлар берилди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотининг раиси Т. Камолов сўзга чиқди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси А. Тажиев қатнашди.

Пленумларда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу кунларда республикамизнинг барча вилоят ва туманларида ҳаммамиз орзиқиб кутаётган Олий Мажлис депутатлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу борада Жиззах шаҳридаги 4-Жиззах сайлов округи ҳам намунали фаолият кўрсатмоқда. Мазкур 4-Жиззах сайлов округи комиссияси вилоятнинг 12 туман ва Жиззах шаҳридаги 40040 нафар сайловчи ҳамда бу йил биринчи маротаба сайловда қатнашаётган ёшлар орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораяпти.

Суратда: 4-Жиззах сайлов округи комиссияси раиси Хидир Шукуров сайловчилар билан бўлғуси сайловлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Пайкалда пул тарқатиляпти

Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги пахтазорларида терим қизғин. Йил бўйи етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш учун теримчиларни моддий рағбатлантиришга эътибор кучли. Беш кунлик якунларига кўра, ғазначи пайкалнинг ўзида уларга пул тарқатяпти. Теримчиларнинг руҳи баланд, зеро қанча кўп терса қўли шунча кўп пул кўради. Илғор теримчи А. Деҳқонова беш кунлик якунига кўра 14 минг сўм нақд пул олди. Ҳ. Аҳмедова, О. Қудратова каби илғорлар ҳам 8-10 минг сўмдан ҳақ олдилар.

— Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Фарғона вилоят бошқармаси ҳосилни йиғиб олишда хўжаликларга кўмак бериш учун махсус тадбир ишлаб чиқди, — дейди бошқарма бошлиғи Расулжон Шаропов, — тадбирга кўра вилоятдаги ҳар бир пахтакор хўжаликка биттадан банк ходимини масъул қилиб тайинлаганмиз. Бу ходим ўзига биркитилган хўжаликда иш ҳақининг теримчиларга ўз вақтида етиб боришини назорат қилади, зарур молиявий маслаҳатлар беради. «Пахта банк» вилоят бошқармаси теримнинг биринчи ўн кунлигидаёқ теримчиларга 850 миллион сўмдан ортиқ маблағ етказиб берди. Етиштирилган ҳосил тез ва сифатли териб олиниши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Депутатликка номзодлар кўрсатилди

Шу кунларда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XX пленуми қарорига мувофиқ, 200 га яқин партия туман ва шаҳар партия кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди.

Уларда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 5 ярим мингдан ортиқ ХДП номзодлари кўрсатилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифлар берилди.

Самарқандда адиб билан учрашув

Таниқли ёзувчи, драматург ва публицист, Ўзбекистон санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимов таваллудининг олтмиш йиллигига бағишлаб, мамлакатимиз турли шаҳар ва қишлоқларида ижодий тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда шундай тадбирлардан бири — китобхонлар анжумани Самарқанд Давлат чет тиллар институти қошидаги ўзбек-турк лицейида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд шаҳар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган бу йиғилишда Чет тиллар институтининг ректори Юсуф Абдуллаев ҳамда драматург ва шоир Ҳайдар Муҳаммад юбилярнинг ижтимоий ва ижодий фаолияти ҳақида батафсил сўзладилар. Шундан кейин лицей талабалари адибнинг «Сўнгги нур» ва «Осмон яқин, ер юмшоқ» номли насрий ҳамда «Тусмол» номли драматик асарлари тўпламларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Анжуман охирида сўзга чиққан Абдуқаҳҳор Иброҳимов ёш авлоднинг маънавий камолоти йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ажойиб тадбирлар хусусида, бу борада ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган меҳрибонликлар ҳақида тўхталиб ўтди, талабаларни қизиқтирган ҳаётий ва ижодий саволларга жавоб берди. Мароқли ўтган бу анжуманни ХДП Самарқанд шаҳар ташкилотининг биринчи котиби Шуҳрат Темиров бошқариб борди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Пахта-99

Зафар муборак!

Арнасой туманидаги Бобо Файзиев номли фермерлар уюшмаси аъзолари пахта топшириш йиллик режасини Жиззах вилоятида биринчилардан бўлиб бажардилар. Улар 585 тонна ўрнига 590 тоннадан ортиқ сифатли саноат хомашёсини етказиб бердилар. Энг муҳими, унинг ҳаммаси энг юқори навларга топширилди. Пахтакорлар яна 200 тоннадан ортиқ пахта етказиб бериш пайида теримни сусайтирганлари йўқ.

— Бу йилги ғалабамизга Ғаллаорол туманидан келган хашарчилар салмоқли ҳисса қўшди, — дейди фермерлар уюшмаси раиси Ўроқбой Ғойипов.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ

***

Навоий вилоятидан ажойиб хушхабар олинди. «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги пахтакорлари нафақат Навбаҳор туманида, балки кенжа вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасига етдилар. 956 гектар майдонда деҳқончилик қилган хўжалик заршунослари режадаги 2800 тонна ўрнига 3000 тонна саноат хомашёси тайёрлаб, йиллик маррани забт этдилар. Қабул пунктларига топширилган ялпи ҳосил биринчи навга қабул қилинди. Эришилган муваффақиятга М. Ниёзов, А. Қўлдошев,, Б. Йўлдошев бошлиқ бригадалар муносиб ҳисса қўшишди. Мазкур бригадаларда ҳосилдорлик 40-45 центнерга етди. Ўз имкониятларини қайта чамалаб чиққан «янгиқўрғонликлар» яна 500 тонна пахта етказиб бериб, жами ҳосилни 3500 тоннага етказишмоқчи.

***

Шунингдек, Навоий вилояти меҳнаткашлари уруғлик пахта тайёрлаш йиллик режасини ҳам ошириб бажардилар. Шароитга мос эртапишар ва саноатбоп саналган «Бухоро-6», «Оқдарё», «Омад» каби уруғлик пахтадан биринчи теримдаёқ 16 минг тонна тайёрланди. Бу бултургига нисбатан 2 минг тонна кўп. Эришилган муваффақиятга асосан уруғчиликка ихтисослашган Навбаҳор туманидаги Й. Охунбобоев, Навоий туманидаги Қ. Раҳимов, Хатирчи туманидаги Э. Абдиев номли ҳамда Қизилтепа туманидаги «Зармитан» жамоа хўжалиги заршунослари муносиб ҳисса қўшдилар.

Навоийликлар жами уруғлик пахта хирмонини 20 минг тоннага етказиш ва келаси йил кўклами учун сифатли уруғлик тайёрлашга аҳд қилдилар.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Божхона бекати

Кўнгил тўғри бўласа, қўл эгри бўлмайди

Кўнгил сўзини кўпинча адабиётларда, шеърий каломларда учратамиз. Баъзан давраларда яқин инсонларни «кўнгли пок» дея изҳор билдирамиз. Аммо кўнгилнинг иши шеър ёзишу дил изҳори учун деб тушунадиган бўлсак жуда ҳам чекланиб қолган бўламиз. Негаки, кишининг фаолиятидаги нафақат ҳиссий кечинмалар, балки ақлий ва жисмоний ҳаракатлар ҳам кўнгил билан боғлиқ бўларкан. Кексаларнинг «кўнглингнинг кўчаси» деб қўйишларида, шу ҳикмат яшириндир.

Ҳа, англаганингиздек кўнгилнинг иши турфа хил. Кўнгилнинг иши тўғри бўлса, хўп-хўп қувонаркансиз. Шундай ишлар соҳибини кўрганда, ўзимиз ҳам, одамлар ҳам завқланаркан. Аммо кўнгилнинг иши эгри бўлса-чи? Йўғ-э, кўнгилнинг ўзи юмшоқ сўз бўлса, қандай қилиб у ёмон бўлиши мумкин дея ҳайратингиз ошаётгандир.

Афсуски мумкин экан. Қўлимиздаги далилларга таянган ҳолда шундай деяпмиз. Йўқса... давлат божхона қўмитаси ходимлари кўнгил иши соҳибларидан бунчалик ташвишланмас эдилар.

Ўз манфаатини Ватан, халқ манфаатидан устун қўйганлар кўнглига эгрилик тушган инсонлар бўлади. Мўмай даромад орттириш мақсадида ўз маҳсулотларимизни четга олиб чиқиб сотиш илинжида бўлган кимсалар ҳам орамизда топилиб туради. Агар бозорларимизга кирадиган бўлсангиз, дўконлардан харид қилсангиз маҳсулотларнинг арзон эканлигини кўрасиз. Бу, албатта юртимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги, самарадорлигидан. Лекин бундай тўкинчиликни англамай ёки манфаати эвазига топташ муқаддас юрт фарзанди шаънига жоиз эмас.

Биргина мисол. Наманган вилояти Учқўрғон туманида яшовчи Тожимирза Ибрагимов «ЗИЛ-133» русумли машинада 28 тойдаги умумий оғирлиги 2125 кг. ва 9 дона давлат андозаси усулида тойланган умумий оғирлиги 2 тонна пахта толасини қўшни Қирғизистон Республикасига ўғринча йўллар билан олиб чиқаётганида вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан ушлаб қолинди. Т. Ибрагимовнинг мақсади 4 тоннадан ошиқ пахта толаси ва пахта чиқиндиларини юқори нархда қўшни юрт фуқароларига пуллаш бўлган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Республикамиз аҳли ғалла мустақиллигига эришиш йўлида жонини жабборга бериб меҳнат қилишсалару бошқа бировлар бундай меҳнатни суиистеъмол қилишса. Хусусан, Жиззах вилояти божхона бошқармаси 1-сон Гагарин пости ходимлари томонидан шу йилнинг 10 июль куни кеч соат 23.00 ларда божхона назорати ўрнатилмаган ўғринча йўлда МТЗ-80 русумли давлат белгиси 8593 трактор тўхтатиб қолинди. Мазкур трактор Мирзачўл тумани Дўстлик ижара ширкатлар бирлашмасида яшовчи Кубеев Сафаралига тегишли бўлиб, у 6600 кг буғдойни қўшни Қозоғистон Республикаси Мухторал туманига ўтказмоқчи бўлган.

Бундай ҳодисалар чекка Қорақалпоғистон Республикасида ҳам содир бўлаётир. Устюрт кенглигидан ўтувчи айланма йўл орқали Қозоғистон Республикаси томон йўл олган «Урал» русумли машина божхоначилар томонидан тўхтатилганида, унда 4780 литр бензин борлиги аён бўлди. Бензин Актюбинск шаҳрига сотиш учун олиб кетилаётган экан. Худди шундай воқеа Фарғона вилоятида ҳам содир бўлди. Вилоят божхона бошқармаси ходимлари қирғизистонлик фуқаролар Муяссар Ражабова ва Эргаш Мирзаҳамдамовлар 1500 литрга яқин бензинни олиб чиқиб кетмоқчи бўлганларида ушландилар. Яна бир қирғизистонлик Аъзам Раҳмонқулов «КаМАЗ» машинасида 14 тонна цемент ва 1500 тонна дизел ёнилғисини ноқонуний йўл билан олиб чиқмоқчи бўлганида тўхтатиб қолишди.

Қорақалпоғистонлик божхоначилар йўлдан ўтаётган машинани текшириб кўришганида аввалига саккиз тонна карам ва 1,5 тонна сабзи борлигини аниқлашди. Сўнг яхшироқ текширув ўтказилганида уларнинг тагида икки тонна ўсимлик ёғи борлиги аниқланди. Юк эгалари Ермухан Ибрагимов ва Бисенбой Наврўзбаевлар Қозоғистон томон йўл олишган экан. Шуманай туманидаги Абдуллаев жамоа хўжалигида яшовчи Ўринбосар Раҳмонов эса «ГАЗ-53» русумли автомашинада саккиз бош қорамол билан Қозоғистонга отланган экан. Сариосиёлик Қўлдош Наимов эса бир миллион сўмлик 12 бош қорамолни Тожикистонга ҳайдаб олиб ўтмоқчи бўлганида вилоят божхоначилари ва чегара қўшинлари аскарлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Мана бу мисолга эътибор қилинг. Фарғона вилояти божхона бошқармасига қарашли 3-сонли Қувасой божхона масканига Тожикистон Республикаси фуқароси бўлмиш Владимир исмли нотаниш одам келиб, Қўқон шаҳар спирт заводидан 9 тоннага яқин спирт сотиб олганлигини, уни Қирғизистонга олиб ўтажаклигини, ҳужжатларини юк Ўзбекистондан чиқиб кетди, деб расмийлаштириб беришса катта миқдорда пул ваъда беришлигини айтади. Божхоначилар вилоят божхона бошқармасига бу ҳақда зудлик билан хабар қилишади. Кейинги текширишлар натижасида Владимир сотиб олган спиртини Қирғизистонга эмас, Фарғона вилоятига, қўлбола ароқ тайёрловчи жиноий гуруҳларга сотажаклиги маълум бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодий фаровонлик сари илдам бормоқда. Унинг ҳар бир соҳадаги эришаётган ютуқлари асрларга татигулик. Мана шундай дамда халқ мулкини ўғринча йўллар билан ташиб кетишга уринаётган одамларни кўриб энсангиз қотади. Наҳотки, уларда Ватан, озод, мустақил юрт туйғуси бўлмаса. Ахир унинг гуллаб-яшнаши ҳар бир фуқаронинг астойдил қилган меҳнати билан боғлиқ-ку. Мана шулар ҳақида ўйлар экансан, яна кўнгилни эслайсан. Зеро, имон, эътиқод ва садоқат тушунчалари мана шу маскан — кўнгилдан бошланади. Ҳазрат Аҳмад Яссавий «кўнглингда Оллоҳ бор Оллоҳга чекин» деган сўзларини эслайсизми!? Кўнгилнинг муқаддаслигидан далолат бу. Шундай экан покиза гўшани қандайдир ғайри ахлоқий ҳаракатлар билан эмас, балки соф инсоний, фуқаровий бурч масъулияти билан тўлдириш керак. Ҳар бир инсон мана шундай бахтга эриша олсагина юқоридагидек ҳолатлар мамлакатимизда содир бўлмайди, иқтисодий фаровонлик юксалаверади. Айтишадику, кўнглинг тўғри бўлса, қўлинг эгри бўлмайди, деб.

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
журналист

Ислоҳат ва масъулият

Тафаккур ёғдуларда

Навоий вилояти ҳокими Ғайбулла Дилов билан суҳбат

— Ғайбулло Дилович Навоий вилояти ўзининг конқазилма бойликлари билан республикамизда ажралиб туради. Ўрта Осиёда энг йирик Навоий тоғ-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг республика иқтисодиётини юксалтиришга қўшаётган ҳиссалари ҳақида сўзлаб берсангиз?

—Мустақилликка эришилгандан кейин вилоятда кўпгина саноат корхоналари каби Навоий тоғ-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти кенгайди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида гап борганда, бирлашма бугун нафақат республикада, балки жаҳонда тилга тушган кимё корхонасига айланмоқда. Кейинги йилларда кимёгарлар корхонанинг иқтисодий имкониятидан омилкорлик билан фойдаланишлари натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортмоқда. Агар 1996 йилда бирлашма атиги 90 тонна нитрон толаси сотган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич 3,4 тоннага, 1998 йилда 5,7 тоннага кўпайди. Натижада нитронни сотишдан тушадиган маблағ 1998 йилга келиб 6,1 миллион АҚШ долларига етди.

— Маънавий баркамол инсонгина ҳар қандай жамиятда ўз ўрнини топа олади.

Ёш авлоднинг маънавий дунёқараши ва уйғун тафаккурини теран шакллантириш йўлида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этишда вилоят халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида ибратли ишлар амалга оширилганлиги ҳақида ҳушхабарлар тарқалган.

—Вилоятда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни бажариш бўйича вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси биргаликда ёшларимизни ҳар томонлама қулай, замонавий билим даргоҳларида чуқур ва пухта билим олишлари учун қатъий режа асосида иш олиб бормоқдалар. Вилоятда бугунги кунда 375 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, 16 та бошланғич, 85 та таянч мактаби, 274 та ўрта мактаб мавжуд. Асосий эътибор кадрларнинг малакасини оширишга қаратилган. 1999 йилнинг 6 ойи давомида 1331 нафар ўқитувчи ўз малакаларини оширдилар. 4 нафари Францияда, 3 нафари эса Германияда педагогик тажриба ошириб қайтишди.

Вилоятда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлашнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастурига мувофиқ ишлаб турган ҳунар-техника билим юртларидан 11 таси, ўрта махсус ўқув юртларидан 5 таси, ўрта мактаблардан 2 таси касб-ҳунар коллежларига айлантирилди. Вилоятда жами 36 та 22290 нафар ўқувчига мўлжалланган янги коллеж биносини қуриш режалаштирилган. Мустақилликнинг 8 йиллиги арафасида 2400 ўринли 4 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим тарихий аҳамиятга молик Олий Мажлис депутатлигига ва Президент сайловини ўтказишга вилоятда қандай тайёргарлик қўрилмоқда?

— Рўйхатдан ўтган 5 та партиянинг барча кенгашлари фаолият кўрсатмоқда.

Сайлов — демократиянинг энг муҳим белгиси. У мавжуд қонунлар асосида амалга оширилади. Амалдаги қонунларга мувофиқ сиёсий партиялардан ва ҳокимият вакиллик органларидан ташқари, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ҳам депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига эса сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларигина номзод кўрсата олади. Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи республика Конституциясида мустаҳкамланган. Фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш, сайлаш, сайланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Бу ҳуқуқни бузишга ёки чеклашга мутлақо йўл қўйилмайди.

Вилоятда 5 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига вилоят, туман, шаҳар кенгашларига ҳамда 2000 йил 9 январда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик бўйича ишлар қатъий режа асосида белгиланган муддатларда амалга оширилмоқда.

— Юртбошимиз Кармана шаҳрининг тарихини яратиш тўғрисида кўрсатмалар берган эдилар...

— Дарҳақиқат, юртбошимиз Навоий вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида Кармана шаҳри, чўли Маликдаги эски Работ ва Сардобалар, Сармиш дараси ва ғоридаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан эканлигини таъкидлаб, Кармана тарихини ўрганиш, қадимий ёдгорликларни авайлаб-асраш бўйича топшириқ ва кўрсатмалар берган эдилар. Бу борада вилоят ҳокимининг 1999 йил 2 апрелидаги «Кармана тарихини ўрганиш ва унинг маданий ёдгорликларини таъмирлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, вилоят махсус комиссияси тузилди ва шаҳар тарихини ўрганиш, тарихий обидаларни ободонлаштириш бўйича тадбирлар режаси қабул қилинди.

Вилоятда «Кармана тарихини биласизми?», «Карманинг тарихий қадамжолари», «Қосим Шайх тарихини биласизми?», «Кармана: ўтмиши ва бугуни» мавзуларида конференциялар, семинарлар, суҳбатлар ташкил этилди.

Бу соҳадаги илмий изланишлар давом этмоқда. Бироқ Кармана тарихини ўрганиш борасидаги ишларимиз ҳали етарли эмас. Шу ишни жонлантириш мақсадида вилоятдаги тарихчи олимлар, археологлар ва шаҳарнинг фидойи инсонлари биргаликда чора-тадбирлар белгилаб олдилар.

— Навоий туманининг янги маркази — Исломобод шаҳрининг қурилиш-лойиҳа ишлари қай даражада олиб борилмоқда?

— Бугунги кунда шаҳарнинг жойлашув ўрни белгиланди. Тошкент шаҳридан келган мутахассислар Исломобод шаҳрининг қурилиш лойиҳа ишларини ниҳоясига етказиш бўйича катта ишлар олиб бормоқдалар. Унинг Буюк ипак йўли ёқасида барпо этилаётганлиги бу шаҳарнинг мавқеи қай даражада бўлиши лозимлигини кўрсатади.

— Жорий йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасида ҳам ютуқлар оз эмаслиги маълум.

— Қишлоқ хўжалиги ҳам вилоятда етакчи соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ушбу соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Дарвоқе, қишлоқ хўжалигида мулк ўз эгасини топмас экан, бу соҳада ислоҳотларни амалга ошириш қийин бўлади. Шу мақсадда 1999 йилда 30 та жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилди. Йил охиригача яна 24 таси шундай мақомга эга бўлади.

Жорий йилда вилоятимиз ғаллакорлари 89157 тонна дон йиғиштириб, режани ортиғи билан уддаладилар.

Вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунгача 1072 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, ундан 215 таси чорвачилик, 191 таси пахтачилик, қолганлари қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари билан шуғулланмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимиз пахтакорлари 120 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этиш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этганлар. Бирин-кетин илғор жамоа хўжаликлари давлатга пахта сотиш режасини бажармоқдалар. Қизилтепа ва Навбаҳор туманлари бу борада карвонбошилик қилмоқда.

— Халқаро терроризмнинг бир кўриниши — ғаламислар кўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида қўпорувчилик ишларини амалга оширмоқдалар. Шу ҳақда фикрингизни айтсангиз?

— Терроризмнинг ҳар қандай кўриниши халқларнинг тинчлиги ва осойишта ҳаёт кечиришлари учун хавфлидир. Ўрта Осиёда тинчликни ва ривожланишни кўра олмайдиган қабиҳ ниятли кишилар қўшни Қирғизистон Республикасининг Боткен туманида қўпорувчилик ишларини олиб бормоқдалар. Улар кимлар? Улар аламзадалар, маънавияти паст, иймони суст, оқпадар ватангадолар. Жангарилар тинч қирғиз халқининг юрагига ғулғула солди. Қурбонлар бўлди. Бугунги кунда ҳам у ерда уруш ҳаракатлари олиб борилмоқда. Террорчилар пана-пастқамларда писиниб ётиб, тўсатдан тинч аҳоли яшаш пунктларига ҳужум қилиб, уларнинг озиқ-овқатлари, иссиқ кийимлари, молларини тортиб олиб кетмоқдалар. Қирғизистонда бўлаётган террорчилик ҳаракатлари вилоятимизнинг барча ташкилотлари, маҳаллаларида муҳокама қилинмоқда. Барча ёшуқари бу ваҳшийларнинг ишларига нафрат билдирмоқда.

— Мамлакатимиз Президентининг Мустақиллик майдонидаги байрам тантаналарида «Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — якка, ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган» деб айтган туйғуларидан келиб чиққан ҳолда миллий ғоя — истиқлол мафкураси ва маънавият тарбияси мезони ҳақида ёшларимизга нималарни айтмоқчисиз?

— Маълумки, қадимдан аждодларимиз илм олишга интилишган. Бу юртда етишиб чиққан улуғ сиймолар билан ёшларимиз ҳар қанча фахрланса арзийди. Мен навоийлик йигит-қизларимизда миллий ғурур, Ватан туйғуси қалб бойлигига айланишини истайман.

Президентимизнинг оталик меҳри билан «Республикамиздаги барча болалар менинг фарзандларим» — деган сўзлари ҳар бир навоийлик йигит ва қизларга ғурур бағишлаши лозим.

— Ҳокимлик билан ҳамкорликда Исломобод шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилаётган от спорти Халқаро турнири — «Улоқ» мусобақасига қандай тайёргарлик кетмоқда?

— Мазкур дастурда спортнинг барча турлари қатори вилоятда от спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хабарингиз бор, 1997 йил вилоятнинг Хатирчи туманидаги Олтинсой жамоа хўжалигида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарининг соврини учун илк бор республика миқёсида «Улоқ» мусобақаси ўтказилганлиги кўпчиликда спортнинг бу ажойиб турига қизиқиш ва эътибор ўйғотди. Халқимизнинг шу қизиқиш ҳамда эътиборларини ҳисобга олган ҳолда вилоятда от спортини ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди. Жумладан, шу йилнинг ноябрь ойида Навоий туманининг янги маркази Исломобод шаҳарчасида янада каттароқ тадбир — халқаро от спорти турнири— «Улоқ» мусобақасини ўтказиш режалаштирилган.

Бу борада ҳозир биринчи босқичдаги ишлар бошлаб юборилган. Шаҳарчада бунёд этиладиган биринчи отчопарнинг барпо этилиши ва унда халқаро «Улоқ» мусобақасининг ўтказилиши вилоятимиз ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Ўткир ПЎЛАТОВ
суҳбатлашди.

Иқтисодий ўсиш суръати пасаймоқда

Жорий йилнинг иккинчи чорагида АҚШ иқтисодининг ўсиш суръати бирмунча сусайган. Мамлакат савдо вазирлиги берган маълумотларга кўра, ялпи ички маҳсулот апрелдан июнга қадар борйўғи 1,6 фоизга ошган. Бундай паст кўрсаткич 1995 йилнинг баҳоридан буён илк бор кузатилмоқда.

Наркотик моддалар ушлаб қолинди

Японияга денгиз орқали келтирилган йирик миқдордаги наркотик моддалар Кагосима қирғоғида мамлакат полицияси томонидан ушлаб қолинди. 616 килограммлик наркотик моддаларни мамлакат ичкарисига олиб кирмоқчи бўлган жиноятчилар эса қамоққа олинди. Текширувлар натижасига кўра, ушбу жиноятчилар Тайван ва Хитой фуқаролари бўлиб чиқди. Қўлга олиш пайтида улардан бири қочишга улгурган. Ҳозир мазкур жиноятчи қидирилмоқда.

Сайлов натижалари

Австрияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловда бу сафар ҳам социал-демократлар партияси ғалаба қозонди. Сайлов натижаларига кўра, мазкур партия 33,39 фоиз, Австрия озодлик партияси эса 27,22 фоиз овоз тўплаган. Австрия халқ партиясини қўллаб-қувватлаганлар 26,90 фоизни ташкил этди. Либерал форум партияси эса борйўғи 3,41 фоиз овоз олган.

Ҳиндистоннинг тоғ ён бағирларида

Фазовий кемалар тезлиги камаймоқда. Нега?

Бугунги кунда бир сирли муаммо пайдо бўлдики, бу муаммо устида НАСА экспертлари жиддий бош қотиришмоқда. Маълум бўлишича, кейинги ўн йилликда фазо кенгликларини илмий тадқиқ қилиш учун учирилган фазовий зондларнинг тезлиги негадир камайиб бормоқда. Уларга қандайдир сирли куч ўз таъсирини ўтказмоқда. Натижада олимларнинг ҳисоб-китоблари ўз тасдиғини топмаяпти.

«Биз бу муаммони аниқлаш учун қўлимиздан келган барча имкониятларни ишга солмоқдамиз, бироқ ҳали унинг сирини топиб, бирор-бир муваффақиятга эришганимизча йўқ» — дейди НАСАнинг илмий ходими Жон Андерсон.

Ҳақиқатан ҳам Қуёш системаси траекториясидан ташқарида жойлашган юлдузларга учирилган барча фазовий кемалар аввалдан қилинган ҳисоб-китоблар бўйича учмаяпти. Масалан, 1972 йили учирилган «Пионер — 10» фазовий кемаси ўзга юлдузлар орбитасига киргач, ҳаракати ўта секинлашган. Ёки «Пионер — 11»нинг ҳам тақдири шундай кечмоқда. Умуман янги те ология асосида яратилг «Уллис» ва «Галилео»нин ҳам тезлиги негадир амайган.

Ҳозирча олимлар фақат фаразлар билан ўзларини овутишмоқда. Яъни бир гуруҳи Қуёш системасида инсониятга номаълум яна бир сайёра бор бўлса керак деса, бошқа бир гуруҳи астероидлар таъсир қилаётган бўлиши мумкин, дейишмоқда. Учинчи гуруҳ олимлар эса гравитация тўғрисидаги Ньютон қонунини қайта кўриб чиқиш кераклигини айтишмоқда.

Табиий офат қурбонлари

Нигерияда табиий офат юз берди. Кучли ёғингарчилик оқибатида 39 нафар киши ҳалок бўлди, мингта яқин нигерияликлар бошпанасиз қолди.

Сувнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши натижасида мамлакатни электроэнергия билан таъминловчи Канижа, Жебба ва Ширроро гидростанцияларида тўғонлар очиб юборилди. Бироқ бу ҳақда аҳолига кечикиб хабар берилди. Чунки радиостанцияларда хабар узатиш ёмон аҳволда. «Бизни бу офатдан огоҳлантиришмади. Мактаблар, фермалар вайрон бўлди. Еримизнинг ҳосилдор қисмини сув ювиб кетди. Биз бор бойлигимиздан ажралдик», дейди маҳаллий деҳқонлардан бири.

Яқин 10 йил ичида 1500 сунъий йўлдош учирилади

Teal Group консалтинг фирмаси мутахассисларининг тахминларига кўра яқин 10 йил ичида 850 дан 900 гача ракеталар учирилиб, улар коинотга тахминан 1500 йўлдошни олиб чиқишади. Ушбу йўлдошларнинг умумий қиймати 126,8 млрд.доллар ва ташувчи-ракеталар қиймати 49,5 млрд.доллар деб баҳоланмоқда.

Мазкур йўлдошларнинг асосий қисми, хусусан 893 донаси тижоратга оид бўлиб, уларнинг умумий қиймати 56,1 млрд.долларни ташкил этади. Ракеталарни учириш харажати эса 25 млрд.долларга етиши мумкин.

BANK XALQ BANKI
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK

Халқ банки — халқ хизматида

Диққат янгилик!

Омонатларга қўйилган бўш пул маблағларингиз бўйича 1500 фоизгача даромад олишни истайсизми?

Бундай имкониятни Сизларга фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки яратиб беради.

Халқ банки 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб

«Жамғарма»

ютуқли омонатини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга 5000 сўм маблағ қўйиб, ҳар ойда 1000 сўмдан мунтазам равишда қўшимча бадал қўйиб борсангиз, мазкур омонат бўйича бир йилда икки марта ўтказиладиган ютуқлар тиражи якунига кўра омонат қолдиғининг 1500 фоизигача бўлган пул ютуқларига эга бўлишингиз мумкин.

Бу омонат тури бўйича 1500 фоизгача бўлган ютуқ даромадларидан ташқари, очилган ҳар бир ҳисоб варақасига, қўшимча равишда, қўйилган жамғармалар бўйича йиллик 5 фоиз миқдорида фоиз даромади ҳам тўланади.

Сиз Халқ банкининг исталган туман ёки шаҳар бўлимига мурожаат қилиб, ҳисоб варақасини очишингиз мумкин.

Халқ банки ўз маблағларингиздан самарали фойдаланишингиз ва катта миқдордаги сармояга эга бўлишингизга кафолат беради.

Қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-89-36, 78-53-63.

Банкимиз мижози бўлишга шошилинг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Банк хизматларининг янги тури бўлган замонавий, ишончли тўлов воситаси —

«Американ Экспресс» йўл чекларини таклиф этади



Энди чет элда юрганингизда пул операциялари ўтказиш ва ҳисоб-китоб қилиш анча қулай бўлади.
«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун дунёда энг оммабоп тўлов воситаларидан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас:

- *«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун жаҳонда — аксарият банклар ва айирбошлаш пунктларида нақд пулга алмаштириб берилади. АҚШда эса бу чеклардан нақд пул ўрнида фойдаланишади;*
- *миллионлаб дўконлар, меҳмонхоналар, ресторанларда Сиз бевосита шундай чеклар билан ҳақ тўлашингиз мумкин;*
- *«АмериканЭкспресс» йўл чеклари — муддатсиз. Сиз уларни кейинги гал чет элга боргунингизча сақлаб туришингиз мумкин;*
- *йўл чекларини сотиб олаётганингизда Сиз биттагина имзо билан ўзингизни хатардан ҳоли қилиб олишингиз мумкин. Чекнинг чап юқори бурчагига имзо чекиб қўйинг, уни нақд пулга алмаштираётганингизда эса пастки чап бурчакка имзо чекасиз. Шунда дадил айтиш мумкинки, ўзингиздан бошқа ҳеч ким Сизнинг пулларингиздан фойдалана олмайди;*
- *Чекларнинг яна бир афзаллиги бор. Агар «Американ Экспресс» йўл чекларини йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар, бу пулингизни 100% ундириб олишингиз мумкин. Бунинг учун телефон орқали бир мартагина қўнғироқ қилиб, айрим маълумотларни хабар қилишингиз кифоя. Кейин яқин орадаги банкда, «Американ Экспресс» банкомати ёрдамида ёки фирманинг агентликларидан бирида Сизга йўқолган чеклар ўрнига янгисини беришади.*

Қўшимча афзалликлар: мабодо Сиз бошқа ҳужжатларингизни йўқотиб қўйсангиз, кредит карточкаларингиз бекор қилинса, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз «Американ Экспресс»нинг бутун жаҳонда ишлаб турган 1700 агентлигидан ҳар қайсиси Сизга ёрдам беради.

NBU

Йўл чеклари сотиб олиш масалалари бўйича қўшимча маълумот олиш учун пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилинг. Алоқа учун телефон: 137-62-83

Сиз ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимида йўл чекларини сотиб олишингиз мумкин.

Саёҳатда яхши дам олишингизни ва амалий сафарларингиз қулай ўтишини тилаймиз.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ,* навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Қибрайда шахмат байрами

Шатранж оламида

Устоз Азмиддин Хўжеав хотирасига бағишланган навбатдаги халқаро турнир бу сафар 23-марта уюштирилди. Баҳс учун танланган жой Қибрай тумани марказида фойдаланишга топширилган янги шахмат клуби экани ҳам иштирокчиларда ўзига хос кўтаринкиликни юзага келтирди.

Баҳсга деярли барча вилоятлар, қўшни Қозоғистон, Туркманистондан 170 нафар иштирокчи тўпланди. Улар орасида 7 ёшдан 70 ёшгача оммавий спорт разрядига эгалару, спорт усталаригача бор эди. Муҳими, уларнинг ҳаммаси бир гуруҳда эканлиги, мусобақа эса швейцарча усулда ўтказилиши ажабтовур жуфтликларга сабаб бўлди. Бир қарашдаёқ 8 ёшли қизча билан 50 ёшли амакининг, унинг ёнида эса 12 ёшли болакай билан тажрибали спорт устасининг ўзаро баҳс юритаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Баъзан, ўша тахталарда кураш баб-баробар давом этаётганлигидан ҳам ажабланиш, ҳам қувониш мумкин эди.

Турнир жўғрофиясининг кенглиги, шатранжчилар орасида иқтидорли ёшларнинг кўплиги, қолаверса жойлардан оила-оила бўлиб келишлар республикамизда чинакам халқ ўйини — миллий спорт турларидан бири бўлган қадимий шатранжнинг янада ривожланиб, янги шахмат мактаблари, тўгараклар ташкил топаётганидан нишона эди.

Охирги тур учрашувлари арафасида бухоролик спорт устаси Фахриддин Сатторов, спорт усталигига номзодлар Акрам Тошхўжаев, Константин Малиничев ва Акмал Жўраевлар етти тадан очко жамғарган ҳолда бош совринга талабгорлик қилардилар. Бинобарин, кўпчиликнинг нигоҳи Тошхўжаев — Малиничев ҳамда Сатторов — Жўраев партияларига қаратилди. Салкам 5 соат давом этган ва озмунча асабий куч талаб этмаган бу беллашувларда оқ доналарни сурган Тошхўжаев билан Сатторов галабага эришиб, маррага бир хил 8 тадан очко билан етиб келишди. Бироқ, бош совринни қўшимча кўрсаткичлари баландроқ Тошхўжаевга тегди. Учинчи мукофот чирчиқлик Рустам Рашидовга (7,5 очко), тўртинчи ўрин самарқандлик Владимир Саркисов, бешинчиси тошкентлик Константин Малиничев ва ниҳоят олтинчи ўрин наманганлик Акмал Жўраевга насиб этди.

Республика спорт қўмитаси шахмат федерацияси, «Камолот» жамғармаси, Қибрай туман ҳокимлиги халқ таълими бўлими, спорт қўмитаси ва «Спорт» газетаси таъсис этган махсус совринларнинг аксарияти ёшларга текканлиги айни муддао бўлди. Мусобақанинг тантанали ёпилишида бундан кейин ҳам Қибрайда ана шундай шатранж байрамларини ташкил этиш анъанага айланиши маълум бўлди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ, мусобақа бош ҳаками

Уриниб кўринг

Оқлар бошлаб, тўрт юришда мот қилади.

Табиб ва табобат

Ёғлар олами

Инсон организмининг ёғлар ҳисобига кундалик энергия эҳтиёжи иқлимга қараб ўзгаради. Шимолий ҳудудларда 38-40 фоизни, жанубий ҳудудларда 27-28 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Нетрал ёғлар бир-биридан таркибидаги ёғ кислоталари билан фарқ қилади. Кўп миқдорда истеъмол қилинган ёғ организмда моддалар алмашинуви жараёнини издан чиқаради. Организмда заҳарли моддалар — кетон тўпланишига сабаб бўлади, овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятини сусайтириб қўяди. Бундан ташқари тери ости қатламида тўпланади ва семириб кетишга олиб келади. Чунончи, ёш болаларга кунгабоқар, маккажўхори ёғи бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёғларнинг **рафинадланмаганини,** яъни юқори ҳароратда қиздирилмаганини бериш тавсия этилади. Бунинг сабаби ёғлар рафинадланса, яъни қиздирилса унинг таркибида организм учун муҳим биологик аҳамиятга эга бўлган фосфатит билан ўта тўйинмаган ёғ кислотаси парчаланиб кетиб, ёғлар ўзининг тўлақонли сифатини йўқотади. Аммо чигиттдан ва соядан олинган ёғларнинг **рафинадланганини** берган маъқул, чунки бу ёғлар қиздирилганда таркибидаги заҳарли модда — **гассипол** нейтралланади.

Липидлар, ёғлар алмашинуви — аввало оқсиллар ва углеводлар алмашинуви билан узвий боғлиқ, жумладан оқсиллар билан углеводларнинг ортиқчаси организмда ёғларга айланади. Ёғлар алмашинуви жараёнини — асаб тизими билан ички секреция безлари, миянинг пастки қобиғи, буйрак усти, қалқонсимон без, жинсий безлар секретлари идора қилади.

Ёғлар алмашинувининг бузилиши — кўпинча етарли миқдорда овқат емаслик, меъда ости бези, жигар фаолияти бузилиши оқибатидан ингичка ичакда ёғ сўрилиши пасайиши натижасида келиб чиқади. Одам етарлича овқатланмаганида ёки организм ҳаддан ташқари энергия сарфлаганда заҳира ёғлар сарфланади. Баъзан қалқонсимон безнинг гиперфункцияси ҳам ёғларнинг парчаланиш жараёнини кучайтиради.

Ёғ дистрофияси — юрак мускулида, жигарда, буйракда ва бошқа аъзоларда ҳам кузатилади. Ёғ тўпланиши бошланишида жигар ва буйрак функциялари сақлансада, кейинчалик фаолияти бузилади ва аъзолар ҳажми катталашади. Организмда ёғ дистрофияси кўпроқ алкоголизмда, юқумли касалликларда, заҳарли моддалар таъсирида, гипоксияда кузатилади. Организмда холестерин алмашинувининг бузилиши ёғ алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, қон томирлар деворида холестерин тўпланиб, бириктирувчи тўқималар ривожланади, натижада қон томирлар деворлари қалинлашиб қон айланиши қийинлашади. Холестерин миқдорининг организмда кўпайишига овқат билан тухум сариғи, жигар ва гўштни кўпроқ истеъмол қилиш сабаб бўлади.

Ёғ алмашинувининг бошқарилиши – организмда ёғларнинг ҳосил бўлиши, заҳираларда тўпланиши ҳамда у ердан қонга ўтиши асаб ва эндокрин тизимлар томонидан бошқарилади. Бунда углеводлар алмашинувига бевосита боғлиқ бўлган тўқима механизмлари ҳам иштирок этади. Масалан: қонда глюкоза миқдори ошса глицеритларнинг парчаланиши сусайиб, синтезланиши тезлашади. Глюкозанинг қондаги миқдори камайса аксинча глицеритларнинг парчаланиши кучайиб, синтезланиши камаяди. Бир қатор гормонлар ёғ алмашинувига сезиларли таъсир кўрсатади. Андреналин ва норадреналин ёғларни заҳирадан ҳайдайди. Ёғни парчаловчи ферметлар фаоллигини оширади. Саматроп гормон, тироксин ёғларини заҳирадан чиқаради, глюконартикоидлар ва инсулин аксинча ёғни заҳирага ўтказади.

Абдуғаффор НУРИДДИНОВ

(Давоми бор)

(Боши ўтган сонларда)

Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.
Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.
Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Диққат!

1997 йил 7 октябрь куни соат 10.00да «Рондос» масъулияти чекланган жамиятнинг кредиторлар мажлиси қуйидаги манзилда: Миробод тумани Нукус кўчаси, 23 уйда, Давлат солиқ назорати, 604-хонада бўлиб ўтади.

Маълумот учун телефон: 54-85-87

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги **тракторлар** эҳтиёт қисмларини **таклиф этади**

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида каридорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» миллий хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-97
Пейжер: (067) 90-79

Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси Самарқанд бўлими Имом ал Бухорий жомеъ масжиди имомати жамғарма бошқаруви раиси Зоҳидилло Иномхўжаевич Мунавваровга волидаи муҳтарамалари **ҲОСИЯТХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.